

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КАЙПНАЗАРОВА ГУЛЬШАД ХОЖАМУРАТОВНА

КИЧИК БИЗНЕС ҚОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ОМИЛЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ
САМАРАДОРЛИККА ТАЪСИРИ
(Қорақалпоғистон Республикаси мисолида)

08.00.15 – Тadbиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий рахбар: и.ф.д., профессор У.В. Гафуров

Тошкент – 2023 йил

МУНДАРИЖА:

КИРИШ.....	4
I БОБ. КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИКНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ.....	15
1.1-§. Ишлаб чиқариш омилларининг иқтисодий мазмуни ва уларни туркумлашнинг асосий тамойиллари.....	15
1.2-§. Ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ва унинг иқтисодий натижаларга таъсири.....	31
1.3-§. Кичик бизнес корхоналаридаги иқтисодий мутаносиблик ҳамда иқтисодий самарадорлик даражасини баҳолашнинг услубий масалалари.....	39
Биринчи боб бўйича хулоса.....	49
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИККА ТАЪСИРИ.....	52
2.1-§. Ўзбекистон ҳудудлари бўйича кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик ҳолати.....	52
2.2-§. Ўзбекистонда кичик бизнеснинг иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликнинг асосий тенденциялари.....	60
2.3-§. Кичик бизнес корхоналаридаги иқтисодий мутаносибликнинг иқтисодий самарадорлик даражасига таъсири динамикаси.....	75
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	87
III БОБ. ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КИЧИК БИЗНЕС КОРХОНАЛАРИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ	

	ОМИЛЛАРИ ЎРТАСИДАГИ МУТАНОСИБЛИКНИ	
	КУЧАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	89
3.1-§.	Кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш даражасини ошириш.....	89
3.2-§.	Кичик бизнес корхоналаридаги иқтисодий мутаносибликни таъминловчи маъмурий дастакларнинг таъсирини макбуллаштириш.....	103
3.3-§.	Кичик бизнес корхоналарида иқтисодий ресурслар тақсимотининг бозор механизмини кучайтириш.....	116
	Учинчи боб бўйича хулоса.....	124
	ХУЛОСА.....	128
	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	134

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобал рақобатнинг кучайиб бориши шароитида иқтисодиётда кичик бизнес салоҳиятидан фойдаланиш орқали мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти ҳамда аҳолининг ижтимоий таъминоти ва турмуш фаровонлигини таъминлаш иқтисодий сиёсатнинг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Бунда кичик бизнес корхоналаридаги ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш орқали унинг самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Иқтисодиётда ишлаб чиқариш асосий омилларининг очиб берилиши муҳим вазифани намоён этади, чунки у нафақат теvarак-атрофдаги воқеликнинг мувофиқ келувчи билиш ва тушунтиришга оид моделини яратиш имконияти, балки унга нисбатан ташқи таъсир ўтказиш борасидаги тавсияларнинг ишлаб чиқилишини ҳам назарда тутди”¹. Ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносиблик хўжалик юритишнинг миқёсларидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

Жаҳонда халқаро миқёсдаги рақобатбардошлик хусусиятларини ривожлантиришда кичик бизнес корхоналарида ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги мутаносибликнинг самарадорликка таъсирини оширишга оид илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ишлаб чиқариш омилларининг анъанавий ва замонавий турлари ўртасидаги нисбатнинг ўзгариши, инновацион тавифдаги омиллардан фойдаланишни кенгайтириш, ишлаб чиқариш омиллари ривожланганлик даражасининг фаолият самарадорлигига таъсирини баҳолаш, омиллар самарадорлигини оширишда инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаш, кичик бизнес корхоналарида рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этиш бу борадаги илмий-тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

¹Лазарчук Е.В., Дукарт С.А., Аникина Е.А. Изменение факторов производства в рамках экономики знаний // Фундаментальные исследования. – 2014. – № 11-3. – С. 584-587; URL:<https://fundamental-research.ru/ru/article/view?id=35565>